190495

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 15 апрель, шанба №46 (21.809.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЧИМКЕНТ УЧРАШУВИ

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Қадим турон заминида яшаб келаётган халқларнинг ўзаро қўшничилик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорлиги узоқ-узоқларга бориб тақалади. Миллий мустақилликка эришган Марказий Осиё республикалари янада яқинлик ва ҳамжиҳатлик йўлини тутдилар.

14 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ана шу биродарлик ва ҳамкорлик йўлидаги яна бир дадил қадам бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев иштирок этди.

Жанубий Қозоғистон вилояти марказидаги металлурглар маданият саройида уч давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлди. Президентлар тақдири муштарак ва келажаги бир хил бўлган Марказий Осиё халқларининг тарихий, жўғрофий, маданий яқинлиги ва тилининг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда кўп асрлардан буён давом этаётган яхши қўшничилик алоқалари негизида ўзаро яқинлашиш жараёни қонуний ва ихтиёрий тарзда давом этаётганини қайд этдилар. Шунинг баробарида, минтақадаги ҳар бир давлат ўз истиқлоли ва сиёсий мустақиллигини дадил мустаҳкамлаётганини таъкидладилар. Ўзаро иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш лозимлиги айтилди.

Музокаралар сўнггида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро кенгаши қарорини ҳамда уч республика Президентлари учрашуви тўғрисидаги ахборотни имзоладилар. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарлари Тожикистон бўйича баёнот қабул қилдилар.

Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Аскар Акаев журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Хусусан, юртбошимиз Ислом Каримов 29 апрель куни Қозоғистонда ўтадиган референдум ҳақидаги саволга жавоб берар экан, жумладан бундай деди:

— МДҲ давлатлари бир тузумдан бошқасига ўтиш даври қийинчиликларини бошдан кечираётган бир паллада бизга қўшни ва қардош Қозоғистон халқининг тинчлигини, осойишталигини юксак қадрлаймиз. Албатта, биз қўшни давлатнинг ички сиёсатига аралашмаган ҳолда, шу мамлакат Президенти Нурсултон Назарбоев юритаётган сиёсатга Қозоғистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари аҳиллик ва ҳолислик билан ўз фикрларини билдиришларига ишончимиз комил.

Сафар мобайнида уч қардош мамлакат раҳбарлари Чимкент шаҳридаги темирчилик-пресслаш ускуналари ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. Маълумки, Чимкент Қозоғистоннинг йирик саноат шаҳарларидан бири саналади. Президентлар бирлашманинг халқ хўжалиги учун зарур дастгоҳ ва ускуналар ҳамда халқ истеъмоли моллари тайёрлайдиган цехларини кўздан кечирдилар. Ишчилар билан суҳбатлашдилар. Бундан ташқари, уч республика Президентлари Чимкент автобуслар йиғиш заводида бўлиб, корхонанинг хорижий шериклар ҳамкорлигида фаолият кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлари билан танишдилар.

Чимкент сафарида мамлакатимиз Президентига республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкентга қайтиб келди. Аэропортда мамлакатимиз раҳбарини республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алиев, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзА).

ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1995 йил 14 апрель куни Чимкент шаҳрида Марказий Осиёдаги уч давлат бошлиқлари — Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат бошлиқлари Марказий Осиё минтақасидаги вазият ҳамда уч мамлакат ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Президентларнинг музокаралари ўзаро фойдали муносабатларни янада ривожлантириш хусусида бу давлатлар тутган йўлнинг бир хиллигини яна бир бор тасдиқлади. Учрашув чоғида уч мамлакат ҳамкорлигининг мавжуд имкониятларидан тўла фойдаланишга, Марказий Осиё давлатларининг бир-бирига яқинлашуви жараёнини тезлаштиришга олиб келиши лозим бўлган аниқ ёндашувлар белгилаб олинди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисидаги шартномани амалга ошириш жараёнининг энг муҳим жиҳатларини кўриб чиқдилар.

Шартнома доирасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш юзасидан аниқ тавсиялар айтилди.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 2000 йилга қадар иқтисодий бирлашиш дастури қуриб чиқилди ва маъқулланди, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлатлараро кенгаши ижроия қўмитасининг, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг ахбороти тингланди.

Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари ягона бож маконини барпо этишга содиқ эканликларини таъкидладилар ва улар Россия Федерацияси, Белорус Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги бож иттифоқига қўшилишга тайёр эканликларини маълум қиладилар, бу Марказий Осиё давлатларининг интеграция жараёнларини мустаҳкамлашга интилаётганининг янги далилидир.

Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларида кечаётган сиёсий жараёнларни кенг тарихий нуқтаи назаридан муҳокама қилдилар.

Қирғизистон Президенти А. Акаев билан Ўзбекистон Президенти И. Каримов вужудга келган ижтимоий-сиёсий шароитда Президент Н. Назарбоев ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисида референдум ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиш энг мақбул йўл бўлиб, ижтимоий барқарорликни таъминлашга, иқтисодий ўзгартишларни Қозоғистон халқининг фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши йўлида изчиллик билан, жўшқин ўтказишга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Давлат бошлиқларининг учрашуви уч мамлакат раҳбарларининг мулоқотини давом эттириш зарурлигини, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг интеграция жараёнлари жиҳатидан Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро бағрикенглик ва ишонч тадбирлари юзасидан кенгаш чақириш хусусидаги Қозоғистон ташаббусини ҳамда Тошкент шаҳрида БМТнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммолари бўйича доимий ишлайдиган семинарини барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва бу таклифлар халқаро майдонда рўёбга чиқиши учун зарур куч-ғайрат сарфлашга аҳд қилдилар.

Томонлар бундан буён ҳам МДҲ доирасида фаол сиёсат ўтказиш, минтақада барқарорликни сақлаб туриш, ҳамжиҳатликка ва халқаро ҳамкорликнинг янада ривожланишига эришиш мақсадида Ҳамдўстликни мустаҳкамлашга қўмаклашиш ниятларини изҳор қилди.

Чимкент шаҳри,
1995 йил 14 апрель.

ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ТОЖИКИСТОНГА ДОИР БАЁНОТИ

Президентлар Н. Назарбоев, А. Акаев ва И. Каримов 1995 йил 14 апрелда Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган амалий учрашув чоғида Тожикистонда ва Тожикистон-Афғонистон чегарасида юз бераётган вазият хусусида фикрлашиб олдилар.

Учрашув иштирокчилари мухолифатнинг қуролли тузилмалари шу йил 7 апрель куни содир этган ҳамда одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган ҳаракатларини қораладилар ва Россия, Қозоғистон ҳамда Тожикистоннинг ҳалок бўлган чегарачилари оилаларига чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Давлат бошлиқлари Тожикистон муаммосини бартараф этиш юзасидан илгари МДҲ доирасида қабул қилинган қарорларни қўллаб-қувватлаб ва Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегарани Ҳамдўстликнинг ташқи чегараси деб ҳисоблаб, Тожикистондаги тангликни фақат сиёсий мулоқот, ўзаро келишувни излаш йўли билангина узил-кесил ҳал қилиш мумкин, деган якдил фикрга келдилар.

Учрашув иштирокчилари мухолифатни Тожикистондаги тангликни ҳал этишнинг ҳарбий ва бошқа зўравонлик ишлатиладиган усулларидан воз кечишга чақирдилар ҳамда МДҲ давлатларини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотини миллий яраши муваффақиятли кечишига, Тожикистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига қўмаклашишга даъват этдилар.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатлари бошлиқлари Тожикистон раҳбариятига тожикларнинг ўзаро музокаралари жараёнини кучайтиришни, можароли вазиятни бартараф этиш учун мумкин бўлган барча воситалардан фойдаланишни таклиф қиладилар.

Шу билан бир вақтда Тожикистон ҳукуматига ва мухолифатга улар ўзаро келишган ҳолда БМТ раҳбарлигида яқин вақт ичида Алмати шаҳрида энг юксак даражада тожикларнинг ўзаро музокараларининг навбатдаги даврасини ўтказиш таклиф қилинади.

Марказий Осиёдаги уч давлат Президентлари тожикларнинг ўзаро мулоқотининг муваффақиятли ўтишига ҳар томонлама қўмаклашишга ва бу жараённи қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини изҳор қилиб, Тожикистон муаммосининг барча жиҳатларини зўравонлик билан эмас, тинч йўл билан кенг қамровли ҳал қилишга эришиш зарурлигини яна бир бор тасдиқладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖУРНАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодларни тарбиялаш ҳамда бу умумдавлат аҳамиятига молик вазифани амалга оширишда аҳолининг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси муассислигида ва Германиянинг «Гермед» фирмаси ҳаммуассислигида Халқ таълими вазирлиги нашри бўлган «Мактабгача тарбия» журнали негизида 1995 йил 1 сентябрдан бошлаб ўзбек тилида ойлик илмий-тарбиявий, оммабоп, безакли «Соғлом авлод учун» журналини таъсис этиш ва унга ноширлик ҳуқуқини бериш ҳақидаги уларнинг таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «Соғлом авлод учун» журналини белгиланган тартибда рўйхатга олсин.

3. Қуйидагилар «Соғлом авлод учун» журналининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

миллий ва умуминсоний қадриятларни, ўтмиш меросимизнинг энг яхши анъаналарини ҳамда шаклланиб келаётган янги удумларни аҳолининг барча табақаларига етказиш;

халқимиз генофондини соғломлаштириш, маънавий ва жисман баркамол инсонни тарбиялаш оила, давлат ва жамиятнинг муштарак мақсади эканлигини кенг тарғиб қилиш;

таълим-тарбия, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бир ой муддат ичида:

ҳаммуассис билан биргаликда журнал таҳририяти ишини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал қилсинлар ва ўзларининг моддий-молиявий улушлари миқдорларини аниқласинлар;

журнал раҳбарияти ва таҳрир ҳайъатини тасдиқласинлар.

5. «Соғлом авлод учун» журналини нашр этиш харажатлари муассислар ва ҳаммуассис ажратган, шунингдек, обуначилардан ва сотувдан, ноширлик фаолиятидан тушган маблағлар ҳисобига қопланиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ходимларига берилган имтиёзлар «Соғлом авлод учун» журналининг масъул ходимларига ҳам татбиқ этилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар ва маданият бўлимига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 13 апрель.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

14 апрель куни республика Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов К. Гриффин раҳбарлигидаги БМТ миссияси аъзолари билан учрашди.

Мазкур миссия республикамизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Учрашувда С. Саидқосимов мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат ҳақида меҳмонларга атрофлича сўзлаб берди. Бозор ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида аҳолининг кам таъминланган қатламини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳукуматимиз юргизаётган сиёсатнинг асоси эканини таъкидлади.

К. Гриффин Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг яхши натижа бераётганини эътироф этди. Ушбу масалада БМТнинг ўз дастурлари ва қатор таклифлари мавжуд экани, бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқлигини айтди.

Учрашувда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этди.

***

Шу куни БМТ миссияси аъзолари республика Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова билан ҳам учрашдилар.

(ЎзА).

Ғалабанинг 50 йиллигига

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР, МАРОҚЛИ ҲИКОЯЛАР

АНДИЖОН

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида партиямиз Марказий Кенгаши, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши томонидан ташкил этилган тарғибот гуруҳи қатнашчилари Андижон вилоятида дастлабки учрашувни Балиқчи тумани марказидаги маданият саройида бошладилар. Ушбу мулоқотларда Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти етакчи илмий ходими, юридик фанлари доктори, профессор Эгамберди Ҳакимов, Тошкент тўқимачилик институти доценти Ҳошимжон Муҳаммаджонов, заҳирадаги полковник, уруш фахрийси, тарих фанлари номзоди Сайдахмад Исаев, уруш фахрийси Ҳакимжон Тўраев ва бошқалар йиғилганларга 1941—1945 йилларда ўз бошларидан кечирган воқеалар ҳақида мароқ билан сўзлаб бердилар. Шунингдек, тарғибот гуруҳи Балиқчи туманидаги Чинобод ип-йигирув фабрикасида, Шаҳрихон туманидаги «Назармаҳрам» ҳиссадорлик жамиятида, «Найнаво» жамоа хўжалигининг 2-бригадасида, Хонобод шаҳридаги саноат техникумида, 6-ҳунар-техника билим юртида, Жалолқудуқ туманидаги момиқ пахта тайёрлаш фабрикасида меҳнат жамоалари билан қизиқарли учрашувлар ўтказди. Бундай анжуманларда мустақил мамлакатимизнинг эртаси саналмиш ёшларнинг фаол иштироки эътиборли ҳолат сифатида қайд этилди.

БУХОРО

Бухоро вилоятига ташриф буюрган тарғибот гуруҳига партия Марказий Кенгашининг масъул ходими Валижон Абдусаматов бошчилик қилди. Ушбу гуруҳда кекса ёзувчи, уруш ва меҳнат фахрийси Владимир Тюриков, республика фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ходими, уруш ва меҳнат фахрийси Аъзам Ҳужаев, таниқли шоир, «Гулхан» журнали бош муҳаррири Сафар Барноев ва бошқалар бор. Дастлабки учрашув Бухоро туманидаги «Ғалаосиё» жамоа хўжалигида бўлиб ўтди. Айниқса, Шофиркон туманидаги «Нафиса» гилам тўқиш ҳиссадорлик жамиятидаги мулоқотда ижодкорларни 300 дан зиёд мухлислар қуршаб олишди. Бу ерда шофирконлик уруш фахрийси Облоберди Исомов, туман фахрийлар кенгаши раиси Қобил Ҳожиевларнинг чиқишлари учрашувга янада мазмун бахш этди. Жанггоҳ хотиротларига санъаткорларнинг куй ва қўшиқлари уланиб кетди. Байрамолди бу учрашувида партия сафига янги қабул қилинган ёшларга аъзолик билетлари тантанали равишда топширилди.

Шундан сўнг тарғибот гуруҳи қатнашчилари Шофиркон туманидаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчи ва ўқитувчилари ҳузурига ташриф буюрдилар. Худди шундай учрашувлар Ғиждувон туманидаги Абдуҳолиқ Ғаждувоний номли, «Оқолтин» жамоа хўжаликларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Жалолиддин Нуруллаев, Ғиждувон туман ҳокими Ғофур Ботиров, қўплаб партия фаоллари, хўжалик раҳбарлари қатнашдилар.

Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида ўтказилган ушбу мулоқотлар авлодлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлади, халқимизнинг бирдамлиги кўзгуси бўлди.

Партия ва ҳаёт

ФАОЛ АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

ФАРҒОНА. Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида аёлнинг ўрни қандай? ЎзХДП вилоят кенгаши вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Бағдод тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган «Истиқлол ва аёл» мавзуидаги фаол аёллар учрашуви шу масалага бағишланди.

Фарғона вилояти аҳолисининг 50 фоизини аёллар ташкил этади. Ҳозирги пайтда халқ хўжалигининг турли соҳаларида 592 мингдан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Учрашув қатнашчилари меҳнаткаш аёлларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларга унумли ишлаш, яхши дам олиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ва бу борадаги келгуси вазифалар хусусида маслаҳатлашиб олдилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАЯНЧ НУҚТАСИ ЗАРУР

Котиб мунозарага чорлайди

Республикамизнинг Олий Мажлисига депутатлар сайлови мамлакатда кўп партиялилик, фикрлар хилмахиллиги сари кенг йўл очди. Ислоҳотларни амалга оширишда маълум ижобий силжишларга эришиляпти. Аммо бу борада мураккаб вазифалар ҳали олдинда турибди. Ислоҳотларнинг фаол тарафдорлари сифатида биз, партия ходимлари ҳам уларни амалга ошириш учун ҳаракат қиляпмиз. Бироқ кутилган натижани беряпти, деб айтолмайман. Чунки, ислоҳотларни қўллаб-қувватлашда бир-икки қарор қабул қилишдан, маъқуллашдан нарига ўтолмаяпмиз. Бу эса бизни, қолаверса, туман партия ташкилотининг биринчи котиби сифатида шахсан мени мутлақо қониқтирмайди.

Ислоҳотларни амалга оширишда партия ташкилотларининг иши, бераётган мадади сезиларли даражада кўзга ташланмаяпти. Бунинг сабабини мен ўзимизни қандайдир муаллақ ҳолда тургандек, бошқача айтганда, таянч нуқтамиз йўқлигидан, деб биламан.

Фикримни далиллаш учун Бўка тумани миқёсида юз бераётган айрим ҳолатларни мисол қилиб келтирмоқчиман. Вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг қарорига амал қилиб, туман кенгашимиз янги ташкил этилаётган деҳқон хўжаликларидан бирини оталиққа олди. «Гулистон» жамоа хўжалиги ҳудудида ғайратли йигит. Н. Ҳусейнов бошчилигидаги «Даврон» деҳқон хўжалигини ташкил этишда ҳуқуқий жиҳатдан ҳужжатларни расмийлаштиришга ёрдам берилди. Хўжалик ишни бошлади. Ўзи етиштирмоқчи бўлган маҳсулотини харидорга бериш учун кенгаш «Гулистон» жамоа хўжалиги билан шартнома тузди. «Даврон»да техника деярли бўлмагани сабабли етиштирилган маккажўхорини ўриб-йиғиб олишни жамоа хўжалиги ўз зиммасига олди. Аммо маҳсулот тайёр бўлганида маъмурият шартномадаги ўз вазифасини унутди-қўйди. Натижада 18 гектар майдондаги маккажўхори ҳосили ўрилмай қолиб кетди. Унинг донини «Даврон» хўжалиги амал-тақал қилиб йиғиб олди. Энди жамоа хўжалиги «Даврон»ни маҳсулот бермасликда айблаб, ерни қайтариб оламиз, деб таҳдид қила бошлади.

Бу — фермер-деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтиришга қилинган тўсқинликнинг энг оддийси, холос. Албатта, биз қараб турмадик. «Даврон»га ер берилганлиги ҳақидаги давлат далолатномасининг топширилишига эришдик.

Гарчи, республикамизда деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари барпо этилган бўлса-да, бу борадаги ишлар кўнгилдагидек бормаётганлигининг бир қатор бевосита ва билвосита сабаблари бор, деб ҳисоблайман. Ана шу сабабларнинг муҳимларидан бири — бу деҳқон хўжалиги ташкил этмоқчи бўлган ва ташкил этган одамларнинг ҳуқуқий қонунлардан бехабарлигидир. Шунинг оқибатида айрим масъул шахслар арзимаган сабабни баҳона қилиб, бу ишга тўсқинлик қилишга уринмоқдалар. Яқинда шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Тумандаги жамоа хўжаликларининг бирида бўлаётган ҳисобот йиғилиши ҳайъатига аъзолардан бири деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилди.

Йиғилишга раислик қилаётган туман ҳокими ўринбосари аризани овозга қўйганида хўжалик аъзоларининг кўпчилиги ер ажратилишга қарши чиқишди. Қарши чиққанларнинг асоси қўйидагича эди: хўжаликда аҳоли кўпайиб, ер майдони қисқариб бормоқда. Агар бир кишига шунча ер берилса, унда хўжаликдаги ишсизлар сони янада кўпайиб кетади-ку!

Айни бир вақда ер сўраган одамнинг ишбилармонлиги, ерни эплаб, ундан етарли миқдорда маҳсулот, демак, даромад олишига ҳеч кимда, шу жумладан менда ҳам сира шубҳа йўқ эди. Йиғилишда ўша одамнинг ўзи ҳам сўз олиб, хўжаликда бирон-бир экиндан кўзланган ҳосил олинмаётганлигини куюниб таъкидласа ҳам масала унинг фойдасига ҳал бўлмади.

Мазкур ҳолатда хўжалик аъзолари ишсиз қолиш хавфидан чўчиб, фермер хўжалиги ташкил этилишига монелик қилишгани тушунарли. Ваҳолонки, уларни янги иш жойлари билан таъминлашга кафолат ҳам йўқ эди. Хўжаликнинг эса иқтисодий ночорлиги маълум. Бундай шароитга эга бўлиш учун, менимча, ердан олинадиган ҳосил ва даромадни кескин ошириш зарур бўлади.

Яна бир мисол. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил июль ойидаги мажлисида туманимиздаги чорвачиликнинг аҳволи қаттиқ танқид қилинган эди.

Жумладан, фермалар хусусийлаштирилмагани алоҳида таъкидлаб ўтилганди. Шундан кейин қисқа муддатда 12 та чорвачилик фермаси хусусийлаштирилди. Энди чорвачилик ўзини ўнглаб олгандир, деб ўйларсиз. Йўқ, бундай бўлмади. Моллар сони 1993 йилдаги 7312 бошдан 1995 йил январига келиб 5770 бошга тушиб қолди. Маҳсулдорлик паст: кейинги пайтда айрим соғин сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори 1-2 килограммни ташкил этди, холос. Ҳолбуки, хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад олижаноб эди.

Ҳамма гап шундаки, хусусийлаштиришга ҳеч қандай тайёргарлик кўрмасдан киришилди. Айрим хусусий фермалар озуқа етиштириш учун ер билан таъминланмади. Ер олганлари эса техника топишолмади. Ери ҳам, техникаси ҳам борларида эса ишловчи кадрлар, зооветеринария хизмати ходимлари йўқ эди. Ачинарлиси, юзлаб одамлар меҳнати эвазига бунёд этилган йирик чорва фермаси хусусий бўлди, энди ташвишдан қутулдик, деб ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бунга яна бир сабаб, бу ерда чорва фермаси ташкил этилишига бир сўми ҳам сарфланмаган одамлар ишлаётганида ҳам эди.

Шу йилнинг бошига келиб туманимизда деҳқон хўжаликлари сони 195 тага етди. Уларнинг энг йириклари хўжаликлардан ўзларига техника воситалари ажратиб олдилар. Лекин 10-20 гектаргача ерга эга бўлганларнинг эса умуман техникаси йўқ. Туманларда тузилган «Техчорва сервис» деҳқонларга қаноатлантирувчи хизмат кўрсатиш имкониятига эга эмас. Улар кўрсатадиган хизмат ҳақига ҳам деҳқоннинг бугунги даромади етмайди. Деҳқон хўжаликлари учун зарур бўлган кичик тракторлар, бошқа ихчам техника воситалари йўқ.

Шундай муаммолар тўғрисида ўйлайману, уларни ечиш учун партия қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида қайғураман...

Сайловдан кейин тузилган давлат бошқарувининг янги вакиллик органларида муайян сиёсий партиялардан сайланган депутатлар гуруҳи пайдо бўлди. Бу гуруҳлар ёки фракциялар ўзларининг Олий Мажлисдаги фаолиятларини Олий Мажлис тўғрисидаги қонунга мувофиқ олиб боришлари бизга маълум. Шу билан бирга сиёсий партиялар ўзлари Олий Мажлисга кўрсатган депутатларнинг фаолиятларига таъсир кўрсатишлари, зарурат туғилганда таянадиган бирон-бир меъёрий ҳужжат, қонун йўқлиги тез орада билиниб қолиши турган гап. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун ана шундай ҳужжат бўлиши мумкинлигига мен аминман. Бу қонун нафақат депутатлар гуруҳи, балки бутун республика миқёсида сиёсий партиялар фаолиятини меъёрга солиш билан бирга, вилоят ва туманлар, шаҳарларда ҳудудий ташкилотлар фаолиятини аниқ бир маромда ташкил этишга, мустақил давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий турмушида катта ижобий аҳамиятга эга бўлишига ишонаман. Бу қонун ҳар бир сиёсий партия учун ишончли таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Орзумурод ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон ХДП Бўка тумани кенгаши биринчи котиби.

ТАҲРИРИЯТДАН: муаллифнинг фикр-мулоҳазалари ҳаётий далиллар билан асослангани ва бундай ҳолларга республикамизнинг кўпгина туманларида дуч келиш мумкинлиги кишини жиддий ўйга толдириши табиий.

Хўш, сизнинг фикрингиз қандай, азиз юртдошлар, партиядошлар? Ўйлаймизки, юқоридагига ўхшаш муаммолар сиз яшаётган, меҳнат қилаётган ҳудудда ҳам топилади. Фикр-мулоҳазаларингизни таҳририятга ёзиб юборарсиз, деган умиддамиз.

Қашқадарё вилояти Халқ демократик партиясининг етакчиси Фармон Омоновни кўпчилик «Асл деҳқоннинг боласи», — дейишади. Бу гапда жон бор, албатта. Қачон қараманг у кишини пахтакорлар, боғбонлар, чорвадорлар даврасида учратасиз. Асли касби агроном бўлган Фармон акани дала-даштларнинг поёнсиз кенгликларию боғу-роғларнинг сеҳру таровати доимо ўзига тортиб келади.

Юртимизнинг кўз илғамас кенгликлари бўйлаб баҳор чавандози ўзининг яшил арғумоғида кезиб юрган ушбу кунларда Фармон ака яна «кабинет»нинг диққинафас қўйнидан адиру-қирларнинг, боғу-роғларнинг гўзал қучоғига, деҳқону-боғбонлар сари ошиқди.

СУРАТДА: Фармон Омонов Касби туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа ширкат хўжалигининг янгидан экилган теракзорида звено етакчиси Шоймурод Полвонов билан ўзаро суҳбатда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ҚЎЛЛАНСА АРЗИГУЛИК

Марҳаматда Узбекистон ХДП туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, қўшимча иш жойлари барпо этиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Андижон вилоятида кейинги вақтда ўзига хос анъана касб этаётган бундай тадбирнинг Марҳаматда ўтказилиши бежиз эмас. Уз сафларига 1800 нафар партия аъзосини бирлаштирган туман кенгашининг халқ орасидаги нуфузи баланд. Кенгаш орқали амалга оширилаётган қатор тадбирлар партиянинг омма ўртасидаги обру эътиборини янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилмоқда.

Ташаббускор фаолларнинг саъй-ҳаракатлари билан жойларда Узбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган фармонлари ва қишлоқда янги иш жойларини ташкил этиш юзасидан берган курсатмалари изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Марҳамат ип йигирув ва тўқув фабрикаси қошида тикувчилик цехи иш бошлади. Натижада юзга яқин киши иш билан таъминланди. Болалар ва аёллар кийимлари тикилмоқда.

«Электромеханика» заводида ҳам ижобий силжишлар ҳисобига халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга эътибор кучайтириляпти. Бу ерда ташкил этилган янги цехда дазмол ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Халқ хўжалиги учун зарур буюмлар билан биргаликда 27 хил халқ истеъмоли буюмлари ҳам тайёрланмоқда. Туманда айни пайтда 240 дан ортиқ кичик корхона, фермер ва деҳқон хўжаликлари бор. Уларда мингдан зиёд қишлоқ кишилари ишламоқдалар. Бу, албатта, туман ҳокимлиги билан партия кенгашининг саноатни қишлоққа кучиришда ҳамжиҳатликда олиб бораётган ишлари самарасидир.

Семинар қатнашчилари қатор меҳнат жамоаларида бўлиб, партия ташкилотчиларининг бу борада тўплаган бой иш тажрибалари билан танишдилар. Уз иш жойларида қўлланса арзигулик янгиликларнинг гувоҳи бўлишди. Шу куни сув хўжалиги коллежи, электромеханика заводи, ип йигирув заводи, ип йигирув ва тўқув фабрикасининг бир гуруҳ ишчи-хизматчисига партия билетлари топширилди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ғалабанинг 50 йиллигига

ТЎРТ ЮЗ МИНГ ТАҚДИР

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бутун дунё ҳозирлик кўрмоқда. Бу Ғалабада Узбекистоннинг ҳам ҳиссаси катта бўлган.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси ана шу тантана арафасида «Хотира» китобларини босмадан чиқарди. Жами 32 жилдли бу китобларда 1941—1945 йилларда иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган узбекистонлик жангчилар руйхати берилган. Айни пайтда ҳарбий госпиталлар ва фашистлар концентрацион лагерларида вафот этган ҳамда бедарак йўқолганлар, жами 400 минг кишининг тақдири ҳақида маълумотлар келтирилади.

Шуниси эътиборлики, ҳар бир вилоятга алоҳида (баъзиларига бир нечта) китоб ажратилган. Улар ҳар вилоятга бағишланган мақола билан очилади.

Китобни тайёрлашда Россия мудофаа вазирлигининг Подольскдаги Марказий архиви материаллари, вилоят ва туман мудофаа бўлимларидан олинган руйхатлардан манба сифатида фойдаланилган. Айни пайтда фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари ҳамда «Прометей» клуби изқуварлари ҳам беминнат ёрдам беришган.

Жонажон Узбекистонимизда бирон бир оила йўқки, унга уруш ўз асоратини қолдирмаган бўлсин. Ишончимиз комилки, эзгу ният ва савобни кўзлаб чиқарилган бу китоблар ҳар бир хонадонда мангу хотира сифатида кўз қорачиғидай эъзозлаб сақланади.

Юнус ЗИЁДОВ.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Шу куннинг мавзуида

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА...

Навоий вилоятида республикамизнинг учдан бир қисм қўйқўзиси боқилади. Бунинг устига тўртта туман — Конимех, Нурота, Томди, Учқудуқ асосан қорақўлчиликка ихтисослаштирилган. Шу боис яқинда мухбиримиз М. Шаропов вилоят «Қорақўл» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб, бирлашма бошлиғининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Пўлат СУЛАЙМОНОВ билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Малакали мутахассис сифатида қорақўлчиларнинг бугунги ташвишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Бир сўз билан айтганда, Қизилқум кенгликларининг ҳамма жойида, овул ва ўтовларида ҳозир ҳосил «тўйи». Бу тўйни қўйчивон йил бўйи кутди. Чунки меҳнати шу ойда рўёбга чиқади, ғалвир сувдан кўтарилади. Олис яйловлардаги 31 та жамоа хўжалигида, 200 га яқин ферма ва бўлимларда тўл олиш охирлаб бормоқда. Биз, мутахассислар тўлолди тадбирларини — яъни қўзилатиш жойларини, совлиқлар хоналари, изоляторлар, қўзи сўйиш ва тери тузлаш жойларини муддатидан олдин сифатли тайёрлаб, таъмирлаб қўйгандик. Муҳими, мавсум бошланмай туриб қўзилатиш жойларини етарли миқдордаги ем-хашак, дори-дармон билан таъминлагандик. Шу боисдан ҳар бир тўл олиш махсус жойларида тажрибали соқмончи, қассоб ва қўзи сирғаловчилар бўлишига эришдик. Бу ишларимиз ўз самарасини беряпти.

— Ўтган йиллар қишлови вилоятда оғир кечди. Натижада катта миқдордаги мол «чиқими»га йўл қўйилди. Ачинарлиси, маҳсулдор совлиқлар камайиб кетди. Айтингчи, режадаги туёқ сонига энди қандай эришилади?

— Биз табиат қийинчиликлари туфайли Қизилқумда моллар бош сони кескин камайгани учун ана шу йўқотишнинг ўрнини тўлдириш мақсадида бу йилги қишловни ўта тадбиркорлик билан ўтказдик. Қўзилаши кутилган 814 минг бош совлиқни касалликка чалинтирмай, қишловдан олиб чиқдик. Шунинг учун ҳам бугунги тўл олиш мавсумида довдираб қолмадик. Мақсадимиз — бу йил ҳар юз совлиқдан 95 тадан қўзини парваришга қолдириш ҳамда камида 500 бош зотдор урғочи қўзиларни ўстиришдир. Шунга эришсаккина 2-3 йилда Қизилқумдаги жами майда моллар бош сонини 2 миллионга етказамиз.

— Суҳбатимиз қўйчивоннинг бугунги машаққати, оладиган «ҳосили» хусусида экан, айтингчи, қайси туман ва хўжаликларда тўл олиш соз ўтяпти?

— Мавсумнинг бошланишига анча бўлган бўлса-да, дастлабки маълумотларга қараганда Конимех ва Нурота туманларида уюшқоқлик яхши. Айниқса, «Конимех», «Қорақота», «Қизилқум», «Қизилча», «Ғазғон», Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида совлиқлардан эгиз қўзи олиш, эртанги қўзиларни ўстиришга қолдириш яхши ташкил этилган. Олдинги шуҳратига эришиш учун курашаётган «Шофиркон» жамоа хўжалиги қўйчивонлари ҳам илғорликни қўлдан беришмаяпти. Ҳозир мазкур хўжаликларнинг ферма ва отарларида ҳар юз совлиқдан 101-102 тага етказиб қўзи олиняпти. Қизилтепа туманидаги «Маликчўл», Навоий туманидаги «Кармана», «Навбаҳор» туманидаги «Сармиш» жамоа хўжаликларида ҳам натижалар қувончли. Шу каби хўжаликлар ҳиссаси боис вилоят бўйича бир неча юз мингдан ортиқ совлиқ қўзилади. Аксарият совлиқлардан эса эгиз қўзи олинди. Ҳозирдаёқ 167 мингдан зиёд наслдор қўзиларни ўстиришга қолдирдик. Бепоён Томди, Учқудуқ туманлари хўжаликларида тўл олиш, ўстиришга қўзи қолдириш, қўзи қоринчаси «ширдон» ва сифатли қорақўл тери тайёрлаш бу йил анча кўпайяпти. Кимнинг қандай ишлагани ғалвир сувдан кўтарилганда яна маълум бўлади.

Фармон ва ижро

ДОИМИЙ КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

ГУЛИСТОН. Шаҳар марказида жойлашган Сирдарё савдо уйини кўпчилик яхши билади. Чунки у бозор иқтисодига ўтиш даврида пайдо бўлган ва халқаро миқёсда иш олиб бораётган савдо марказларидандир.

Яқинда бу ерда яна бир ибратли тадбир амалга оширилди. Республикамиз Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан Сирдарё вилоятида биринчи бор доимий ишлайдиган савдо кўргазмаси очилди. Бу тадбир республика вилоятлари орасида биринчи бўлиб ўтказилаётгани билан ҳам ибратлидир. Савдо кўргазмасида вилоятда кейинги пайтларда ташкил топган 42 та хусусий, кичик ва қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган 30 миллион сўмликка яқин маҳсулот намойиш этилди. Дастлабки куниёқ 10 миллион сўмлик савдо қилинди. Кўргазмага 200 хилдан ортиқ маҳсулот олиб чиқилди. Яқин келажакда улар тури янада кўпаяди ва сифати яхшиланади.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақиллик ғурури

ЖАҲОННИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ЗАРДЎЗ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро ўзининг буюк алломалари, тарихий обидалари, нақкош усталари, зардўзлари билан оламга машҳур. Бу азим шаҳарга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар асрлар оша қад ростлаб турган обидалар жилоси, зардўзлари томонидан тикилган санъат асарларини кўриб, лол қоладилар. Келинг, яхшиси, бухоролик зардўзлардан бири, Покистонда ўтказилган ҳунарманд-косибларнинг халқаро фестивали ғолиби Бахшулла Жумаев ҳақида ҳикоя қилайлик.

Аслида фестивалда қатнашиш истагида юрганлар кўп эди. Чунки, номи оламга машҳур «Бухоро зардўз» ҳиссадорлик жамиятида ўз касбининг усталари кўп бўлган қиз-жувонлардан тортиб, заргар, темирчию ҳунармандлар, кулоллар озми? Аммо бу бахтга 38 ёшни қаршилаган Бахшулла мушарраф бўлди. Хўш, унинг бошқалардан нимаси ортиқ?

Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей-қўриқхонаси зардўзи Б. Жумаев зардўз оиласида туғилган. Унинг бобоси Ражаб оқсоқол ҳам Бухоронинг машҳур зардўзларидан бири сифатида тан олинган. Ражаб бобо кампири Саломат ая билан зардўз, патдўз кийимлар — дўппи, ҳар хил зар чопонлар, ковуш-маҳси тикиб тирикчилик қилишган.Баъзан давраларда зардўзлар маҳорати ҳақида сўз кетса, албатта, қонида борда, деган иборани ишлатишади. Бу ҳақ гап. Бахшулла ҳам бобосининг ноёб касбини эгаллади, кам бўлгани йўқ. — «Ҳунармандлар — иш устида» халқаро фестивалида қатнашиш учун қайси ишимни танлашим керак? Бу саволга узоқ вақт жавоб изладим, — дейди Б. Жумаев. — Зардўзликнинг ўттиз хил усули бор-да. Катта анжуманда уларни имкон қадар кўрсатиш керакку!

Бахшулло хотини Муқаддасхон билан бир қарорга келди: «Товус панноси»ни танлаймиз! Унда «гулдўзи», «заминдўз», «сидидўзи», «мавжитунук», «харандўзи», «қобули» каби зардўзликнинг ўнлаб усулларини ишлатиш мумкин! Шу боис бутун меҳри, маҳорати, бор ҳунарини ишга солди. Иш ниҳоясига етгач, ундан кўнгли тўлди.

Покистонда ўтказилган халқаро анжуманда Бухоро зардўзлик санъати намунаси — уста Б. Жумаев қўлида сайқал топган кийим-кечаклар ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Шу боис у «миллий каштачилик танлови»да биринчи ўринни эгаллаб, тилла ҳошияли диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бахшулланинг оиласини фахр билан зардўзлар оиласи дейишади. Турмуш ўртоғи Муқаддасхон фарзандлари Дилноз, Бобир, Нодирлар ҳам шу касбдан баҳраманд. Биринчи синфда ўқийдиган Нодиржон гул қирқишни яхши кўрса,қизи Дилноза аллақачон зар иплар билан «ошно» бўлиб қолган. Уч йилдирки, Бахшулла музей-қўриқхона тасарруфида шахсий дўкон очган. Унда оиласи билан тикаётган зартўн, белбоғ, зардўзни, ҳар хил совғалар, сўзана, жойномозларни бухороликларга сотмоқда.

Ҳа, жаҳонни лол қолдирган касб соҳиби, истеъдодли зардўз Бахшулла Жумаев халқ амалий санъатининг жонкуяри сифатида камолга етмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: уста зардўз Б. Жумаев хотини Муқаддасхон, ўғли Нодир, қизи Дилноза билан иш устида.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ПЕНТАГОНГДА БРИФИНГ

АҚШ мудофаа вазири У. Перрининг Россия, Украина, Қозоғистон ва Узбекистонга яқинда қилган расмий сафари тўғрисида Пентагонда брифинг бўлиб ўтди.

— АҚШ сиёсати фақат Россияга мулжалланган деган фикр уйғонмаслиги биз учун муҳимдир, — деди ўз баёнотида Пентагон вакили. — Шу боис У. Перри Украина, Қозоғистон ва Узбекистонга ҳам сафар қилди.

ҒАЛАБА БАЙРАМИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Италия Президенти Оскар Луиджи Скальферо 9 май куни Москвадаги Ғалаба байрами тантаналарида қатнашажагини билдирди.

У бу ҳақда Россия ташқи ишлар вазири А. Козирев билан бўлган суҳбатда айтди.

ҲАРБИЙ МАСЛАҚАТЧИ УШЛАНДИ

Япония ҳарбий кучлари зобитларидан бири «АУМ синрикё» мазҳаби тарафдорига кимёвий қуроллар бўйича маслаҳат берган. Ушбу шовшувли хабарни зобитни тергов қилаётган тергов органлари вакиллари пайшанба куни маълум қилишди.

Айрим маълумотларга кўра, қўлга тушган зобит «АУМ синрикё» мазҳаби раҳбари Сиоко Асахара билан алоқадаги ягона ҳарбий деб бўлмайди. Улар афтидан кўпроқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ БАЁНОТИ

Ўтган чоршанба куни БМТ Хавфсизлик Кенгаши «тожик-афғон чегарасидаги ҳарбий ҳаракатларнинг кучайганлиги уни чуқур хавотирга солаётганини» билдирди.

Хавфсизлик Кенгаши тожик муҳолифати ва Тожикистон ҳукуматини ўқ отишни тўхтатиш ҳақидаги келишувга қатъий амал қилишга чақирди.

БЕЛОРУСДА РЕФЕРЕНДУМ БЎЛАДИ

Ҳукумат уйида мажлис ўтказаётган Белорус Республикаси парламенти 14 майда Президент таклиф этган тўрт масала бўйича референдум ўтказишга қарор қилди.

Депутатлар Россия Федерацияси ва Белорус ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ҳам ратификация қилдилар.

ҚАРЗ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Халқаро валюта фонди директорлар кенгаши Россияга 6,8 миллиард доллар миқдорида қарз ажратиш тўғрисидаги қарорни маъқуллашдилар.

Бу маблағлар Россия ҳукуматининг 1995 йилги иқтисодий дастурларини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 17

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Наврўз чечаклари».
18.45 «Ислоҳот ва масъулият».
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Келажак — болаликдан бошланади».
22.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Шукур Холмирзаев. «Қадимда бўлган экан». Видеофильм.
23.15—23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Шифокор билан мулоқот».
19.45 «Деҳқон ҳиммати».
20.15 «5+1».
20.45 — 22.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати..«Нефтчи» — МҲСК.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».

*

«ОМАД» таништиради:

19.25 «Совға».
19.55 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.15 Жаҳон географияси.
21.05 Эълонлар.
21.10 Видео — «О».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Курьер».
23.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.25 «Постфактум».
23.35 — 23.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.00 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
21.00 «Мастер ва Маргарита». Телесериал. 4-серия. 2-қисм.
21.40 «Маданиятимиз дурдоналари».
22.20 Жаҳон янгиликлари («Би-Би-Си»).
22.30 — 23.10 «Спорт-тайм».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.55 — 23.50 Ғалабанинг 50 йиллигига. Тирикларни чорлайман... «Навқирон шерлар». Бадиий фильм (АҚШ, 1958 й.).

ЧОРШАНБА, 19

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Кўк қуш». Бадиий фильм.
9.35 Алифбо сабоқлари.
10.05 «Ўзбекистон гуллаган боғ». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 — 13.30 «Ёшлик» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 «Чорраҳа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хотира». Насибулла Ҳабибуллаев.
20.20 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. «Экранда — Сурхондарё вилояти».
22.10 «Олтин мерос». Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Ғафуров.
23.00 — 23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун фильм. «Болалар денгизни орзу қиладилар».
19.00 «Оқ соя».
19.30 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ёдингдами, дўстим...»
19.45 «Диққат: репетиция».
20.25 «Гўзал бўлишни истасангиз...»
20.45 «Тошкент оқшомида».
21.45 — 23.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Булоқлар кўз очганда».
19.10 «Кинооператор нигоҳи билан».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:

20.15 — 23.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 «Йўқотилганларни излаб». Я. Жеймо.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 — 21.20 «Олтин шлягер».

ПАЙШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Фудзиямага чиқиш қийин». Бадиий фильм.
10.05 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Шифокор экрани.
12.00 Ўзбек куйларидан концерт.
12.30 — 14.00 «Маърифат» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Унутилмас сатрлар». Акаука Шермуҳамедовлар.
18.55 «Гиёҳвандлик — умрнинг заволи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Турон тулпорлари». Спорт кўрсатуви.
20.10 Дони Зокиров номидаги Ўзбек Давлат телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мактуб — кўнгил ойнаси».
22.00 «Қўринмас одам». Бадиий фильм.
23.25 — 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.25 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.45 «Теле-ателье-шоу».
19.55 Видео янгиликлари.
20.20 Янгиликлар.
20.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 — 23.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Мозийдан ёғдулар».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 Футбол. Чемпионлар лигаси. Ярим финал. «Милан» (Италия) — «Пари Сен-Жермен» (Франция). Италиядан кўрсатилади.
21.45 «Уорлднет» телекомпанияси янгиликлари.
22.05 — 23.05 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал. Якунловчи серия.
19.00 «Ширин хаёллар фабрикаси».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05 Кино асри. «Арвоҳ Ғарбга йўл олади». Бадиий фильм (Буюк Британия, 1936 й.).
22.30 «Талқинлар».
22.40 — 23.15 Футбол. Чемпионлар лигаси. Ярим финал. «Аякс» (Голландия) — «Бавария» (Мюнхен). Голландиядан кўрсатилади.

ЖУМА, 21

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Урушнинг тўртинчи йили эди...» Бадиий фильм.
9.25 Немис тили.
9.55 «Ёшлик» студияси. «Бир ўлкаки...»
10.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 «Соғлом авлод учун».
11.20 «Олтиариқ наволари». Концерт.
12.00 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
12.40 «Ҳаракатда баракат».
13.10 — 13.50 «Болалар меҳмонхонаси».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Таълим ва ислоҳот».
18.45 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ой бориб, омон қайтганлар». Адабий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жонли тил».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Демократия — бош мақсадимиз».
22.00 «Нигоҳ».
22.45 «Олтин мерос». Ўзбекистон халқ ҳофизлари Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов.
23.25 — 23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Ёш созандалар чалади».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Касаба уюшмалари ва ижтимоий ҳимоя».
20.05 «Шаҳар юмушлари».
21.05 «02» тўлқинида.
21.30 — 22.20 «Ёшлик» студияси. «Ким топди?»

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мульткарусель».

*

18.55 «Тадбиркорлик мактаби».
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:

20.15 «Панорама».
20.45 «Кимга қанақа?»
21.25 Эълонлар.
21.30 «Даракчи».
21.40 Эълонлар.
21.45 — 23.25 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».

***

17.55 «Бомонд».
18.15 «Аляска КИД». Телесериал премьераси. 1-серия — «Олтин жазаваси». Ж. Лондон ҳикоялари асосида.
18.55 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 — 21.40 «Сен-Роман иши». Телесериал премьераси. 1-серия (Франция, 1988 й.).

ШАНБА, 22

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Егорка». Бадиий фильм.
9.05 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Ғаним ат дақиқалар». Адабий кўрсатув.
9.55 «Жаҳон мусиқаси дурдоналари».
10.25 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Олам тинч — мен тинч». Кинокўрсатув.
11.00 Оилавий ансамбллар телевизион фестивалининг якунловчи концерти.
12.00 — 14.00 «Тимсол» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.20 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Оила».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаевнинг янги концерт дастури.
22.30 «Ёшлик» студияси. «Гап йўқ».
23.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.40 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
9.45 Янгиликлар.
9.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.35 Видеогид.
10.55 «Теле-ателье-шоу».
11.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.45 «Кинонигоҳ».
13.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
13.45 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

*

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Маънавий камолот».
19.30 «Солдат тақдири ва қўшиқлари».
20.30 — 22.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Умид» (уйғур тилида).
10.40 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси уйғур ансамбли яккахони Маданият Ҳошимова куйлайди.
11.05 — 11.25 «Подиум».

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мульткарусель».

*

18.55 «Ёшлик» студияси. «Муъжизалар оламида».
19.25 «Интердиалог».
20.05 «Ихтиролар ва кашфиётлар».
20.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.10 «Ҳамфикрлар».
21.50 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.00 «Бу ажиб дунё».
22.20 — 22.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
18.05 «Ёлғон». Бадиий фильм. Премьера (Франция). 1-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 — 21.40 «Сен-Роман иши». Телесериал. 2-серия.

ЯКШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Қувноқ стартлар».
9.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!»
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Компьютер-шоу».
11.45 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.45 — 14.15 Ҳайдар Муҳаммад. «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.05 «Ойнаи жаҳонда».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ижодкор портретига чизгилар». Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Якшанба оқшомида». Дам олиш концерти.
22.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. МҲСК — «Нурафшон».
23.55 — 00.25 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Ишингиз бароридан келсин!»
10.55 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.15 «Теле-ателье-шоу».
11.25 Видео янгиликлари.
11.50 Янгиликлар.
11.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 «Кинонигоҳ».
14.20 — 14.40 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

***

17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Компьютер-Осиё».
22.00 «Панорама».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Даракчи».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео — «О».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Мульфильм.
9.40 «Жонли сайёра».
10.00 «Жентльмен-шоу».
10.15 «Кинематограф».
11.55 — 12.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.05 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.15 «Муқаддас Воскресенье байрами».
20.45 «Бу ажиб дунё».
21.05 — 21.15 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 «Кумуш шар». Л. Сухаревская. Кўрсатувни В. Вульф олиб боради.
18.50 «Юзма-юз».
19.15 «Ёлғон». Бадиий фильм. 2-серия.
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.45 — 22.40 «Сен-Роман иши». Телесериал премьераси. 3-серия.

"SAMSUNG SQ — 1000"
ёзув машиналарини таклиф этади
– сўзларни автоматик равишда ўчира олади;
– сахифа марказини автоматик аниқлайди;
– кареткани автоматик тарзда орқага қайтаради;
– сўзларни тўғрилай олади;
– калин харфларда ҳам ёза олади.

Она тилим — жону дилим

ЁЗУВ ДАФТАРИ



Ўзбекистон Республикасининг ҳар тарафлама камол топиши ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштириш мақсадида республиканинг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» Қонун татбиқ этила бошланди. Шу муносабат билан турли хил дастурлар, қўлланма, плакатлар ва лотин ёзувида 1995 йилги тақвимлар чоп этилди.

Республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институтида, вилоят ва шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида, шунингдек, олий ва ўрта педагогика ўқув юртларида ҳам янги ўзбек алифбоси ўқитилмоқда.

Янги алифбо ҳарфларини ўқитиш, ўрганиш, яъни ўқиш ва ёзиш жараёнини тезлатиш мақсадида Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, филология фанлари номзоди, доцент Суннатулла Ризаевнинг мактабгача тарбия болалар муассасалари ва бошланғич синф ўқувчилари учун «Меҳнат» нашриётида «Лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси» ва рус графикасидаги кириллча ўзбек ёзувидан саводхонлар учун «Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси» («Ўзбекистон» нашриёти, 1994) номли график қўлланмалари чоп этилди.

Шунингдек, мазкур муаллифнинг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 192-мактаб бошланғич синфининг биринчи тоифали ўқитувчиси Озода Юсуф қизи билан ҳамкорликда оммабоп «Ёзув дафтари» Халқаро Шароф Рашидов жамғармаси орқали «Шуъла» фирмасининг муассислари буюртмасига кўра чоп этилди. Қўлланмада лотинча ўзбек алифбоси ҳарфларининг босма бош (катта) ва кичик шакллари, ёзма бош (катта) ва кичик шакллари, ҳарфларнинг бир-бири билан боғланиш тартиби ҳамда алифбодаги ҳар бир ҳарфга мослаб ёзилган шеърий байтлар ўқиб, ёзиб ўрганилиши ва ёд олиниши тавсия этилган.

Муаллифларнинг таъкидлашича, ҳар бир ҳарфнинг ёзилиши намунадагидек бажарилиши, бўш катакларнинг тўлдирилиши, машқ қилиниши орқали тез фурсатда янги алифбо ҳарфларини ёзиш ва ўқишни ўрганиб олиш мумкин.

Барот ЯРАШЕВ.

Фарида Минулинанинг ўқитувчилик қилаётганига 40 йил тўлди. Фидойи муаллима бу даврни ҳар бирини касбига садоқати, шогирдларига меҳру муҳаббати, юксак инсоний фазилатлари билан бойитди. У киши таълим берган йигит-қизларнинг аксарияти халқ ўртасида катта ҳурмат-эътиборга эга. Ҳар йили Боғишамолдаги 50-ўрта мактабдан физика фанидан вилоят ва республика олимпиадалари совриндорлари чиқиши бежиз эмас.

— Боланинг оиласи билан алоқа қилмасдан, уни тарбиялаш қийин, — дейди опа. — Шу сабабли уларнинг ота-оналари билан яқин алоқа ўрнатганман. Шу қадар ўрганиб қолганмизки, мен бормасам, уларнинг ўзлари мактабга келишади. Тарбия, таълим, боланинг келажаги ҳақида суҳбат қурамиз.

СУРАТДА: Ф. Минулина дарс пайтида.

Т. ФАРМОНОВ олган сурат.

СПОРТ

Теннис

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»ГА ТАЙЁРГАРЛИК

Спортнинг энг оммавийлашган турларидан бири теннис бўйича «Президент кубоги» учун ўтказиладиган анъанавий мусобақага қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Тошкентдаги «Динамо» теннис уйингоҳи янада кенгайиб, кўркамлашди. Халқаро талабларга монанд, кўпминг кишига мўлжалланган янги пуштиранг майдон фойдаланишга топширилди. Ҳозир бўлажак «Президент кубоги» учун ўтказиладиган халқаро мусобақага тайёргарликнинг муҳим босқичларидан ҳисобланган «Буюк ипак йўли» совғини учун баҳслар бошланди. Самарқанд теннис майдонлари 20 апрелга қадар гавжумлашиб туради. 6-13 май кунларида эса «Динамо» теннис уйингоҳида навбатдаги босқич баҳслари уюштирилади. «Буюк ипак йўли» совғини учун кураш Фарғонада 20-27 май кунлари ўтказиладиган мусобақа билан якунланади. Шундан кейин сараланган теннисчилар «Президент кубоги» учун баҳсга йўлланма оладилар.

Кураш

МУКОФОТГА АРҒУМОҚ, ГИЛАМ, ДОЛЛАР

Миллий кураш бўйича Сурхондарёда ўтказилган ал-Ҳаким ат Термизий совғини учун ўтказилган халқаро мусобақада мутлақ ғолибликка эришган Рустам полвон Эргашевга юртбошимиз ҳиммати — «Волга» енгил машинаси совғин қилиб берилгани ҳақида хабар берган эдик.

Бугун мусобақада вазнларга кўра ғолиблик супасига кўтарилган полвонлар билан таништирамиз.

Хоразмлик Санъатбек Одамбоев 60 килограмм вазнли полвонлар орасида биринчи бўлди. 66 килограмм вазнли Эрали Юсупов (Бухоро) ҳам зафар қучди. 73 килограммли Маҳтумқули Маҳмудов (Сурхондарё), 81 килограммли Владимир Шмаков (Тошкент), 90 килограммли Армен Бағдасаров (Тошкент) ва 90 килограммдан ортиқ вазндаги Тоштемир Муҳаммадиев (Сурхондарё)лар ҳам мухлисларни қувонтиришди. Мутлақ ғолиблик учун курашда иккинчи ўринни эгаллаган қашқадарёлик Баҳром Авазовга арғумоқ, гилам ва 700 АҚШ доллари мукофотга берилди.

Сузиш

ЎРИНБОСАРЛАР КЎРИГИ

Тошкентда ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди.

Республика олимпиада ўринбосарлари билим юрти бассейнида уюштирилган мусобақада умидли ёшлар камол топаётгани кўзга ташланди. Хусусан, ғулистонлик Сергей Клешко эркин усулда 50, 200 ва 400 метрли масофага сузишда маррада биринчи бўлди. Тошкентлик Денис Тайз брасс усулида 50 ва 100 метрга сузишни ўринга қўйди. Унинг ҳамшаҳри Владимир Столяров 50 метр масофага аввал батерфляй, кейин чалқанча сузиб, кўпчиликни мамнун этди. Андижонлик Нодир Абдуллаев 100 метрли масофага батерфляйча сузиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Қизлар орасида Саида Искандарова чалқанча сузиш бўйича 50, 100 ва 200 метрли масофаларда маҳорат кўрсатди.

Волейбол

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ БЎЛИШДИ

Волейболчи қизлар Ўзбекистон терма жамоаси мавсумдаги дастлабки учрашувларни ўтказди.

Қизларимиз Татаристон волейбол федерацияси таклифига биноан «Дустлик кубоги» учун халқаро мусобақада қатнашдилар. Улар Москванинг «Фортуна» Татаристон терма жамоаси ва Қозон волейболчиларидан устун келишди. Жамоамизга ғолиб сифатида миллион рубль миқдорида мукофот берилди.

Ташкилот

Тошкентдаги омбордан

— металлпрокатлар: олти қиррали темирлар, парча симлар;
— 5 КВТдан 75 КВТгача қувватга эга бўлган электродвигателлар;
— 98 фоизли каустик содаларни ***сотади.***
ЛБ—40 лампалари, ДРЛ, кабель маҳсулотларини ***сотиб олади.***

Телефон: 68-07-18

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

АСПИРАНТУРАГА:
Машинасозликда материалшунослик, иссиқлик двигатели, автомобиль ва тракторлар, йўл қурилиши машиналари, ташқи муҳитни муҳофаза қилиш, автомобиль транспортини ишлатиш, автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш, кўприк ва транспорт тоннеллари, гидравлика ва муҳандислик гидрологияси, ер ости қурилиши, иқтисод, режа (менежмент).

ДОКТОРАНТУРАГА:
Автомобиль транспортини ишлатиш, иссиқлик двигатели.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кўндан бошлаб қабул қилинади. Танлов имтиҳонлари узлуксиз йил давомида кичик гуруҳларда топширилади.
Қабул тартиб-қоидалари бўйича институтга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилгоҳимиз:
Тошкент шаҳри, Моваройнаҳр кўчаси, 20-уй, 1-хона.

Ташкилот

Тошкент шаҳридаги омбордан бозор нархларидан арзон баҳоларда қуйидагиларни сотади:
— 0,25 м.3 ҳажмли бетонқориштиргичлар;
— томат пастаси, творог, кефир, қадоқланган ҳамда қуюлтирилган сут маҳсулотларини тайёрловчи қурилмалар;
— сабзавот ва меваларни тозаловчи, сараловчи қурилмалар;
— 0,5 КВТдан 55 КВТгача қувватга эга бўлган электродвигателлар.

Қуйидагиларни эса сотиб олади:
— мармар плиталар, махсус иш кийимлари, қўлқоплар, ёток матраслари.

Мурожаат учун телефонлар: 45-75-58, 45-75-67. Факс: 45-75-23.

Абдусаид КЎЧИМОВ

МЕҲРИНГ БИЛАН ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!

ИЛТИЖО

I

Дилга ғулу солар на ёмғир, на қор,
Бўрон, довулларга дош бергум, аммо —
Туҳмат балосига қилма гирифтор,
Туҳмат балосидан асра, Тангрим-о!

На шайтон, на иблис, на қилич, на дор,
Дўзах азобидан қўрқмасман, аммо —
Туҳмат балосига қилма гирифтор,
Туҳмат балосидан асра, Тангрим-о!

Энг ёвуз, бешафқат, баттолу қаттол
Ўт-сув балосига чидарман ҳатто!
Туҳмат балосига килма гирифтор,
Туҳмат балосидан асра, Тангрим-о!

II

Карбало даштида ожиз, нотавон,
Оловқум оламни куйдирган онда, —
Ким ширин жонини айламас эҳсон
Бир ҳовуч сув тутган сахий инсонга.

Сирот кўпригида беҳол, бенажот
Турганда қўл чўзса бир меҳрибон зот,—
Бу азиз қўлларни кўзга суртмас ким,
Ким уни ардоқлаб ўтмас умрбод!

Чин дилдан,
Самимий бўлмаса агар
Менга даркор эмас бу ҳиммат, илло —
Миннат балосига қилма гирифтор,
Миннат балосидан асра, Тангрим-о!

III

Миттти ирмоқлардан тўғилгай дарё,
Дарёлар қўшилгач, денгизлар бунёд.
Асли зарралардан иборат дунё,
Заррадан тузилган асли бу ҳаёт.

Қитмир гаплар бордир оламда лекин,
Ғийбат деб атарлар унинг отини.
Унга қўйиб берса дунёдан секин
Қуритиб юборар инсон зотини.

Майли, мақтовларга қилма интизор,
Таъна, дашномларда қийнагил, аммо —
Ғийбат балосига қилма гирифтор,
Ғийбат балосидан асра, Тангрим-о!

IV

Ҳаётда ҳар кимнинг суянчи бордир:
Отадир, онадир, дўстдир бу таянч.
Отаю онани хор қилган — хордир,
Дўсти йўқ кимсанинг қисмати аянч.

Дўстингга тош отса ғараздил каслар,
Вужудинг ўртанар ўтлуғ ғазабдан.
Ичи қора чиқса жондўстинг агар,
Азоб йўқ, бунчалар дардли азобдан.

Майли, дўст меҳрига ўтай бўлиб зор,
Ғанимлар қаҳрида қоврилай, аммо —
Риёкор ўртоққа қилма гирифтор,
Риёкор ўртоқдан асра, Тангрим-о!

V

Ўйдум-чуқур бўлсин майли, йўлларим,
Етмаса етмасин кўкка қўлларим.
Саратон селида қуриб, қовжираб,
Сомондай соврилсин оппоқ гулларим.

Товоним тошларда ёрилиб кетсин,
Тиконлар қонимга қорилиб кетсин.
Ярим қултум сувга ташна лабларим,
Ярим қултум сувга зор ўлиб кетсин.

Фақат ҳеч бандангни кимларгадир хор,
Кимгадир зор қилиб қўймагил, илло —
Қуллик балосига қилма гирифтор,
Қуллик балосидан асра, Тангрим-о!

VI

Пайдо бўлибдики бу дайри фано
Борлиқни ўртайди мудҳиш бир шўриш.
Одамзот заминга сиғмагандек, о! —
Тўхтамас адоват,
Тўхтамас уруш.

Жаҳонни қақшаттан фотиҳлардан то —
Жулдур гадогача ўтди сарсари.
Устун бўлолдими ҳеч бири, аммо
Тобутларда очиқ кетди қўллари.

Бор давру даввора уволдир, увол
Бир томчи кўз ёши олдида, илло —
Уруш балосига қилма гирифтор,
Уруш балосидан асра Тангрим-о!

VII

Гузарталошликлар,
Хонталошликлар
Неча бор сўлдирди Туронимизни.
«Сен — қипчоқ», «Сен — ўғиз»—
Қонталошликлар
Ўлдирди имону имконимизни.

Шукрким, таланган,
Топталган Ватан
Туғу туғросини — бахтини топди.
Унга қучоқ очди жумлаи жаҳон,
У жаҳон ичра ўз тахтини топди.

Энди Ватан битта,
Битта истиқбол,
Энди «...лик», «...лик» деган хоиндир, илло —
Хоин, ғаддорларнинг тилларига — дор,
Гузарталошлардан асра, Тангрим-о!

VIII

Майли, бир кун очу бир кун тўқ бўлай,
Бир куни кул бўлсам, бир кун чўғ бўлай.
Бир куни очофат, очкўз ғанимнинг
Қўкрагини тешган чақмоқ ўқ бўлай,

Майлига, донғилу донгдор бўлмай-о,
Басавлат, баҳайбат чинор бўлмай-о,
Бир япроқ, бир ниҳол, битта оддий жон,
Битта оддийгина гиёҳдек гоҳо —

Яйрайин, яшнайин эсганда шамол,
Не бўлсам, юртимда бўлайин, илло —
Ватангадоликка қилма гирифтор,
Ватангадоликдан асра, Тангрим-о!

IX

Тангрим, қабул айла илтижоимни,
Инсоф, эътиқод бер ҳар бир бандангга.
Гулларга буркагин борган жойини,
Қудрат ато эттин она Ватанга.

Тинчу тугал бўлсин замину замон,
Қирларни яшнатсин турфа чечаклар.
Гўдаклар қалбида уйғотсин имон
Момолар сўйлаган сирли эртаклар.

Элим деб, юртим деб, яшаш бахтини
Насиб эт ўзбегим — жонажонимга.
Мангу: эҳсон айла иқбол тахтини
Ўзбекистонимга — онажонимга.

Ҳар тонг бошимизга сочиб зар-зиё
Она юртимизни қўлла Тангрим-о!

ЎЗБЕКИСТОН, МАНГУ ЯШНАБ КУЛГАЙСАН

Ёвлар йўлимизга ғовлар солганда,
Чечаклар бўронда титраб толганда,
Ботирлар қиличин қўлга олганда,
Сенинг меҳринг билан, яшадик, Ватан!

Ёғилар устидан кулганда Широқ,
Алишер қалбида ёнганди чироқ,
Қийнаб, ўртаганда Бобурни фироқ
Сенинг меҳринг билан, яшадик, Ватан!

Боқийдир ўтса ҳам йиллар, асрлар,
Амир Темур қурган нилий қасрлар,
Нурга талпинганда Усмон Носирлар,
Сенинг меҳринг билан яшадик, Ватан!

Ёвқувар баҳодирлар, девкор ўғлонлар,
Кўксини кўксингга қилиб қалқонлар,
Беомон жангларда тўкканда қонлар,
Сенинг меҳринг билан яшадик, Ватан!

Роса юз ўттиз йил кишанланди дил,
Кишанланди оёқ, кишанланди тил,
Эрк деб хайқирганда Туркистондай эл,
Сенинг меҳринг билан яшадик, Ватан!

Бугун юракларда буюк истиқлол,
Бугун бизникидир бахту истиқбол,
То дунё тургунча бўлиб пойдор
Сенинг меҳринг билан яшаймиз, Ватан!

Беҳаё кўзларга бигизлар санчиб,
Бевафо сўзларни сомондай янчиб,
Бор давру давроидан, бор жондан кечиб
Сенинг меҳринг билан яшаймиз, Ватан!

Сен ҳали беқиёс бўстон бўлгайсан,
Булбуллар базмида достон бўлгайсан,
Жаҳонда энг юксак қўрғон бўлгайсан
Ўзбекистон, мангу яшнаб кулгайсан—
Сенинг меҳринг билан яшаймиз, Ватан!

ЖАННАТМАКОН ОТАМ КУЧИМ ХУДОЙБЕРДИЕВНИНГ ЖАЙДАРИ УГИТЛАРИ

ҚАСАМ УРГАЙ

Яратганнинг амри бу: аламни алам ургай,
Ҳасадни ҳасад ургай, ситамни ситам ургай.
Қасамхўрлар жазодан қочиб қаён борурлар
Қасамхўрни бир куни даҳшатли қасам ургай.

БЕГОНА ХОНАДОНДА

Бегона хонадонда кўзингни эҳтиёт қил,
Орифлар суҳбатида сўзингни эҳтиёт қил.
Бевақт бало-қазога гирифтор бўлмай десанг
Нокасу нодонлардан ўзингни эҳтиёт қил.

ЎТМАС ПИЧОҚ

Буғдойга ўроқ тушса, бошоқлар самон бўлгай,
Алиф қадлар бир куни эгилган камон бўлгай,
Жонинг олар бўлсалар қўрқма ўткир пичоқдан
Ўтмасидан асрасин, ўтмаси ёмон бўлгай.

АҲМОҚ

Дарров тухумдан қолгай товуқ семириб кетса,
Эгасига ташланар кучукларга эт битса.
Энг аввало ўзининг чодирига қўяр ўт
Худо уриб аҳмоқнинг қўли чақмоққа етса.

ҚЎРҚОҚДАН ҚЎРҚ

Довлашавер дов билан,
Ёвлашавер ёв билан.
Чўчима сур, олчоқдан,
Қўрқоқдан қўрқ,
қўрқоқдан...

ЎЙЛАМАЙ СЎЙЛАГАНЛАР

Улар неки топсалар —
Тилларидан топганлар.
Тилларидан осилган,
Тилларидан чопганлар.

ДИЛОЗОР

Қилмиши — қинғирлик, адоват,
Кимсага тиламас омонлик.
Куну тун тополмас ҳаловат
Бир нафас қилмаса ёмонлик.

СИРДОШИНГГА...

Ҳаётда оз эмас улфату ўртоқ,
Улардан қизғанма юрак қўрингни.
Бегонани ўзинг билурсан, бироқ—
Сирдошингга сира айтма сирингни.

ЛАГАНБАРДОР

Азалдан шундайдир ул туллак кимса:
Этагин ўпарди ким отга минса.
Болта олиб чопар ҳаммадан аввал,
Суянган чинори ногаҳон синса...

БЕГОНА ЭМАС

Тоғдек таянч,
дардингга малҳам,
Давлат эрур дўсту қадрдон.
Лек маломат тошларини ҳам
Бегоналар отмас ҳеч қачон!

НАҚЛ

Тупурмагин осмонга,
Қабристонга тош отма.
Ҳеч вақт қибла томонга,
Оёқ узатиб
ётма.

Яна келди биз кутган баҳор.

Абдусаттор ТЎРАЕВ олган сурат-лавҳа

ҚАЛАМЛАРИ НАЙЗАДЕК ЭДИ

1943 йил, қисмимиз Курск, Белгород, Орёл шаҳарлари остонасида шиддатли жанг олиб борарди. Туронзамин ўғлонлари она тилидаги газетани ўқиш имкониятига эга эдилар. Зиннат Фатхуллин, Иброҳим Раҳим, Мели Жўра, Назармат, Тўғон Эрназаров, Зифа Шамсутдинова, Зоҳиджон Обидов, Зафар Диёр, Тўлаган Соатий, Зиё Саид, Илёс Муслим, Рустам Абдураҳмонов каби ўнлаб журналистлар ўзбек жангчиларининг жасорати, қаҳрамонлигини қаламга олиб, уларни руҳлантирардилар.

Фашистлар 11-12 июль кунлари хужумимизни тўхтатиб, Яковлевка, Марино қишлоқларига пиёда аскарлар ва кўплаб танкларни ташлади. Немис автоматчилари ёмғирдек ўқ ёғдирар, танклари эса ёпирилиб, хандақлардаги жангчиларимизни мажақлаб ташлашга уринарди. Йўқ, душман мақсадига эриша олмади. Ёрдамга етиб келган танкларимиз, десантчиларимиз ҳамда ҳаво кучларимиз душман ҳужумини қайтарди. Кун бўйи давом этган қаттиқ жангдан кейин батальонимизга Рживец темир йўли бекатига етиб боришимиз зарурлиги ҳақида буйруқ берилди. Икки кунга яқин на сув, на овқатни кўрмаган аскарлар станцияга етиб келишди. Энди овқатланмоқчи бўлиб турганимизда душман самолётлари бомба ташлай бошлади. Яна қарши ҳужумга ўтдик. Танкларимиз эса, Прохоровкага қараб йўл олди.

Яковлевка томонида душман хужумга ўтгани ҳақида хабар келди. Биз эса Рживецда мустаҳкам ўрнашдик. Шиддатли жанг бораркан, станция ёнидаги усти похол билан ёпилган уйнинг орқасида 5-6 киши хандақ ковлаётганини сездим. Уй орқасидан бўйдор капитан биз томонга келаверди. Ажабо, жанг майдонида қисмга тегишли бўлмаган кишилар нимадир қилиб юрибди, деб ўйладим. Кейин билсам «Ватан шарафи учун» фронт газетаси қаламкашларининг ҳазили экан. Узун бўйлиси газета муҳаррири, капитан Рустам Абдураҳмонов бўлиб чиқди. Фронт редакциясини жанг майдонига яқин жойга нега ташлашдийкин, деб тааажжубландим.

Тўлаган Соатий, Зиннат Фатхуллин, Зиё Саидлар билан Ўзбекистон ҳақида, бўлажак жанглар ва бошқа янгиликлар ҳақида суҳбатлашдик. Рустам ака она тилимизда босилган газетанинг бир дастасини тутқазди. Газеталарни тарқатар эканман, ўғлонлар уни юзларига суртиб, кўзларига ёш олишарди.

Бир-икки кун ўтиб, газетада батальонимиз жангчиларининг Беленижено, Марино, Яковлевка қишлоқлари учун жангларда кўрсатган жасорати ҳақидаги лавҳалар босилди.

Воронеж фронти штабида Зафар Диёр билан бўлган учрашув ҳамон эсимда;

— Урушга келганимиздан буён фронт ортида 300-400 километр масофада махсус топшириқни бажарамиз. Ҳар кун хатарли. Тил билмаганга қийин экан. Лекин, жанговар топшириқ вақтида бажарилмоқда. Партизанлар билан алоқамиз яхши. Топшириқларни кўпинча улар билан келишиб ҳал қиламиз. Радиоалоқачи, разведкачи самолётлар иши яхши йўл қўйилган.

— Газетада ишлашга чақиртиришибди, — деб сўзини якунларкан Зафар Диёр...

Штабга кўплаб зобитлар тўпланишди. 5-6 самолёт аллақандай буюм, аппарат, ҳарбий анжомлар билан тўлдирилди. Самолёт осмонга кўтарилди. Билдимки, у яна душман орқасида «хизмат» қилиш учун топшириқ олган.

1944 йилдан 57-механизациялашган бригадада минамётчи, кейин пулемётчи ва танк десантчиси бўлиб жангларда қатнашиб юрдим. Кучли техникани бошқарувчи қуролдошларимдан танк ҳайдашни ҳам ўргана бошладим. Радио орқали алоқа қилиш сирларини билиб олдим. Мўлжалга олиш, ўт очишни машқ қилдим. Кейин қисқа муддатли танкчилар тайёрлаш курсини ўтадим. Аввал ҳайдовчи, сўнгра командир сифатида танк жангларида қатнашдим. Одер дарёси кечувида яраланиб госпиталга тушдим. Кейин бир қанча шаҳарларни озод қилишда қатнашдим.

Чехословакияда шоир Илёс Муслим билан учрашдим. У мен ҳақимда эшитгани, командирининг илиқ сўзларини тинглагани, Познань шаҳри чеккасидаги ўрмонда яширинган иккита душман танкини ёндирганимни, партияга қабул қилинганим, менга Қизил Юлдуз ордени берилиши ҳақидаги буйруқдан хурсандлигини мароқ билан сўзлади. Унинг мен ҳақимда ёзган суратли мақоласи газетада босилди.

Ҳа, ўзбек ўғлонлари ёлғиз эмас, эдилар. Санъаткор, шоиру адиблар ва олимлар фронтда тез-тез бўлиб турардилар. Воронеж фронтида Ойбек домлани кўрганман. 1-Белоруссия фронтида Ҳамид Олимжон ҳақида маршал Рокоссовский сўзлагани эсимда. Ҳа, уларнинг қаламлари найзадек ўткир эди.

Раҳматулла ИСҲОҚОВ.

Шифокор огоҳлантиради

ФАРЗАНДЛАРНИ АСРАЙЛИК

Болалар орасида учрайдиган ўткир юқумли касалликлар орасида ўзининг тез тарқалиши, узоқ давом этиши, оғир асорат қолдириши билан полиомиелит-эпидемик шол касаллиги алоҳида ўрин тутади. Бу хасталикнинг келиб чиқишига сабабчи бир неча турдаги вируслардир. Шу боис мазкур касаллик тарқалиб, кетмаслиги учун эмлаш билан бир қаторда, санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир.

Полиомиелит йилнинг иссиқ фаслида кўпроқ ёш болалар орасида учрайди. Кузатишларга кўра, бунда болалар танасидаги полиомиелит вирусига нисбатан бўлган қарши куч– иммунитетининг катта аҳамияти бор. Полиомиелит гарчи шундай оғир дард эрса-да, ундан болаларни сақлаб қолиш мумкинми ёки йўқми деган савол туғилади. Узоқ вақт давом этган изланишлар оқибатида вирусологлар томонидан икки хил вакцина кашф этилди ва улар 50-йиллари самарали кенг синовдан ўтказилди. Эмлаш воситаси ва вакцинанинг таркибига қараб улар бир-биридан фарқ қилади. Агарда бири ниналар орқали мушакларга юборилса, иккинчиси томчи усулида оғизга томизилади. Томчи усулида қўлланиладиган вакцинанинг бир неча яхши хусусиятлари бор. Аввало эмлаш усули оддий, иккинчидан вакцина таркибидаги фойдали, наслий ўзгартирилган вируслар касал чақирадиган — «патоген» вирусларнинг эмланган бола танасига ўтиш йўлини тўсади. Қолаверса, вакцина таркибидаги вирус эмланган бола танасидаги ичакнинг шиллиқ қаватларида ва қарши куч-иммунитетни вужудга келтириш билан касал чақирувчи вируслар танага ўтиб қолгудек бўлса уларнинг кўпайишига йўл қўймайди.

Жаҳон тиббиёт амалиётида биринчи бўлиб томчи вакцинасининг хусусиятларини тубдан ўрганиб, 1959 йилнинг ёз ойида Тошкентда полиомиелит хасталиги кенг тарқалган бир пайтда марҳум академик М. П. Чумаков билан ҳамкорликда 2 ойликдан то 15-16 ёшгача бўлган болаларни шу усулда эмлаш дастурини ишлаб чиқдик. Эмлаш кампанияси айни бир вақтда республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам ўтказилди. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан кузда республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида айни бир вақтда болалар шол касаллигига қарши эмланди. Вакциналар ўз вақтида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан таъмин этилди. Бунда ЮНИСЕФ ташкилотининг ҳам ҳиссаси бор.

Республикамизда эмлаш компаниясининг давлат миқёсида миллий эмлаш куни щиори остида ўтказилгани Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тошкентда ўтказилган халқаро йиғилишида ҳам алоҳида эътироф этилди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти 2000 йилга бориб дунё миқёсида бу хасталикни тубдан йўқотиш тўғрисида тарихий қонун қабул қилган.

Ҳозир республика миқёсида эмлаш компаниясини қайта ўтказиш арафасидамиз. Апрель, май ойларида барча шаҳар ва қишлоқларда «миллий эмлаш кунини» ўтказиш назарда тутилятти ва бу ишларни бажариш учун керакли тадбирлар қўриляпти. Республикамизнинг барча вилоятлари вакцина билан таъминланди. Биз ота-оналардан фарзандларини ўз вақтида эмлатишларини сураймиз.

С. МАҲСУМОВ,
полиомиелитнинг олдини олиш республика марказининг раҳбари, профессор.

НАСРИЙ ШЕЪР

Қалбим-кўзи бўм-бўш қизалоқ
Талпиниб безовта бўлаверади
Сен келар йўлларга,
Охири қалбимни бир муштлаб
яшириб қўйдим
Сен келар йўлларни кўзим тубига.

Кўзларинг мовий денгиз,
Улардан ўзимни
изладим, изладим.
Чўкиб кетишимга сал қолди.
Қирғоғига зўрға талпиниб чиқиб,
киприкларинг ўрмонида
адашиб қолдим.

Унут мени, унут азизим,
Энди армон севгилисимен.
Хаёллларим бағрига сингиб
Мен шеърларга она бўламан.

Дардимни ичимга ютаман,
Бўлсанг-да азоблар нидоси,
Мен сени барибир севаман,
Синиқдир сабримнинг косаси.

Феруза ТОШТЕМИРОВА

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

БИР НЕЧА «СОДДА»НИНГ УЙИНИ КУЙДИРГАН АЁЛ

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани Белтепа даҳасида истиқомат қилувчи Ғ. Г. исмли аёл «Ўзэлашпарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ошпази Ш. А. дан арзон-гаровга уй олиб бераман, дея 490 АҚШ долларини олиб яширинб юрган вақтида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Дастлабки суриштирув ҳаракатларига кўра, бу «даллол» аёл яна бир неча «содда»нинг уйини куйдирган экан.

СОМОНХОНАГА ЕТИБ КЕЛДИ

Чилонзор туманида ўғирлик қилиб, анча вақтдан буён қидирувда бўлган Д. Н. яна жиноят устида ушланди.

БИЛСА ҲАЗИЛ...

Куппа-кундузи ВАЗ-21063 русумли автоулов ўғирланганлиги тўғрисида хабар олинди. Орадан бир неча соат ҳам ўтмай жиноят-қидирув бўлими ходимлари автоулов ўғрисини ушлашди. Аниқланишича, у машина эгасининг яқин дўстларидан бири бўлиб, «ҳазиллашганмиш».

ОЕҚЛАРИ БЎШАШИБ КЕТДИ

ИИББ Жиноят — қидирув бошқармаси тезкор вакиллари муқаддам судланган Д. Т. нинг уйига боришганда унинг ранги бўзариб, оёқлари бўшашиб кетди. Маълум бўлишича, у шу куни уйида ҳамтовоқлари билан «режа» тузиш ниятида йиғин ўтказган экан. Хонадондан 983 грамм наша ва ноқонуний сақланаётган иккита қирқма ов милтиги топилди.

ҚОЧИБ УЛГУРОЛМАДИ

Сиргали тумани Чоштепа кўчасида 3-автокорхона ҳайдовчиси А. А. ўзига бириктирган ГАЗ-54 русумли машинани маст ҳолда бошқариб, қарама-қарши томондан келаётган ГАЗ-2401 енгил машинасига урилиб кетди. Натижада енгил автомашинадаги йўловчи А. Ғ. касалхонага етиб бормай оламдан кўз юмди.

Маст ҳайдовчи эса жиноят содир қилинган жойдан қочишга уринаётганда вақтида етиб келган ДАН ходими, милиция капитани К. Санақулов уни қўлга олди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати ходими.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшманинг аъзоси Султон Акбарийга ўғли

Яшин АКБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» таҳририяти меҳнат жамоаси газетанинг собиқ ходими Султон Акбарийга ўғли

Яшин АКБАРОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Ургончда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматда босилди.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0144, 45220 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.30

123456.